
Бизнес-саёҳат давом этмоқда



Бизнес-саёҳат давом этмоқда

Сух тумани Офтобру маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган "Мирзоабдулло" масъулияти чекланган жамиятига тумандаги 3-сонли УУТ мактабининг етакчиси Г. Манносова ва 11-синф битирувчилари иштирокида бизнес саёҳат уюштирилди. Саёҳат давомида корхона мутахассислари томонидан битирувчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоблар беришди. Бизнес-саёҳат Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сух туман Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Саёҳат давомида мактаб битирувчиларига "Yoshlar-kelajagimiz" жамғармаси Сух туман филиали бош мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27-июн кунги 5466-сонли фармони ҳақида тушунчалар берилди. Бизнес-саёҳатда 11-нафар мактаб битирувчилари қатнашишди.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-02-21 17:57:57